

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 13177,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 % га ўсди.

2018 йил январь-сентябрь ойлари яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4347,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,5 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Андижон вилоятининг кўшган хиссаси 5,4 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан % да
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>9719,1</b>	<b>13177,9</b>	<b>108,3</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9434,9	12771,3	108,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	284,2	406,6	113,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>9434,9</b>	<b>12771,3</b>	<b>108,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2794,8	3566,7	100,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2551,0	4359,4	122,9
саноат	1959,8	3541,5	128,1
қурилиш	591,2	817,9	105,8
Хизматлар	4089,1	4845,2	104,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1023,2	1273,2	103,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	972,2	1053,4	105,7
бошқа хизматлари	2093,7	2518,6	103,6

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 128,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 27,7 %), қурилиш – 105,8 % (6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа–105,7 % (8,2 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,8 % (10,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати –100,4 %, (27,9 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,6 % (19,8 %) ни ташкил этди.



### 2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 96,9 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 3,1 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 7,0 % пунктга ошди ва 34,1 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши -1,7 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 27,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йил январь-сентябрь 38,0 % ни ташкил этди ва 2017 йилниг шу даврида (43,3 %) билан таққосланганда - 5,3 % пунктга камайди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар соҳаси

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 10,0 % ни (2017 йил январь-сентябрь 10,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,2 % ни (10,3 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,8 % ни (22,2 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда)

2017 йил  
январь-сентябрь



2018 йил  
январь-сентябрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-  
таҳлилий ишлар бўлими**  
Навр учун масъул: **Х.Хамракулов**  
Тел: (0-371)230-82-60  
(0-374) 228-29-77